
Ўзбекистон туманида тадбиркорнинг электрдан ноқонуний фойдаланиш орқали давлатга етказган зарари дастлабки ҳисоб-китобга кўра 76 млн. сўмни ташкил этмоқда

Айни кунларда "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ томонидан жойларда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш борасида рейд тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, ДХХ ва ИИБнинг Ўзбекистон тумани бўлимлари ҳамда туман электр таъминоти корхонаси ходимлари билан ҳамкорликда Яйпан шаҳар А.Жомий мавзесида жойлашган "М" оилавий корхонасининг электр энергиясидан оқилона фойдаланиши юзасидан назорат тартибда ўрганиш олиб борилди.



ташқари электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланаётгани аниқланди.

Ҳолат юзасидан тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, 76 млн. 457 минг. 520 сўм миқдорида қайта ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Электр тармоғидан вақтинча ўчирилди.

Шу ўринда истеъмолчилардан электр энергиясидан қонуний ҳамда оқилона фойдаланишларини сўраб қоламиз.

Жойларда рейд тадбирлари давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

2021-12-17 10:28:19